



2020 yil "6" Март

№ 481

Ўзбекистон тумани

Ўзбекистон тумани "С.Азизов" ММТП худудидаги туман ҳокимлиги захира ер майдонларидан фуқаро Uzaqov Fayzulla Abdyvoxidovichга боғдорчилик ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил этиш учун ер участкасини узоқ муддатли ижарага фойдаланишга ажратиб бериш тўғрисида

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9-январдаги 14-сонли ҳамда халқ депутатлари туман Кенгашининг қарорларига асосан "Махаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуннинг 6, 25-моддаларига мувофиқ

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. "Фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарига фаолият юритиш учун берилган ер участкалари майдонларини мақбуллаштириш" бўйича ишчи гуруҳининг, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгашининг 2019 йилдаги хулосалари ҳамда фуқаро Uzaqov Fayzulla Abdyvoxidovichнинг аризаси асос учун қабул қилинсин.

2. Туман ҳокимлиги захирасидаги "С.Азизов" ММТП худудидаги № 2031-2032-2035-2038-2008-1732-1729-контурдаги жами 15,44 га шундан 14,30 га боғзорлар, 0,25 га ариқа ва зовурлар, 0,16 га қурилишлар, 0,73 га бошқа ерлар эгаллаган ер майдонлари боғдорчилик ихтисослашувида фермер хўжалиги ташкил этиш учун фуқаро Uzaqov Fayzulla Abdyvoxidovichга 49 йил муддатга ижарага фойдаланиш учун ажратиб берилсин.

3. Туман Давлат солиқ инспекцияси Ж.Қўчқаров, туман Статистика бўлими О.Абдуллаев, Давлат хизматлари маркази директори М.Жўраевларга ушбу қарордан келиб чиққан ҳолда янги ташкил этилган фермер хўжалигини давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.

4. Тайёрлов, хизмат кўрсатувчи ва таъминот қишлоқ хўжалиги корхоналари ташкил этилган фермер хўжалигига ажратилган ер майдонига нисбатан 2020 йил қишлоқ хўжалиги йили учун сарф қилинган ҳаражатларини инобатга олсин, у билан контрактация, хизмат кўрсатиш ва таъминот шартномаларини қайта расмийлаштирилиши ишлари қисқа муддатда амалга оширилишини таъминлансин.


5. Бандлик, молия туман бўлимлари ҳамда туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши билан биргаликда янги ташкил этилган фермер хўжалигида қишлоқ аҳолисини кафолатли иш ўринлари билан таъминлаш чораларини кўрсин.

6. Мазкур қарорга асосан ер балансга тегишли ўзгартириш киритиш ҳамда ҳуқуқий ҳужжатларни расмийлаштириб бериш туман Ер ресурслари ва кадастр хизмати бўлими бошлиги С.Қурбоновга юклатилсин.

7. Қуйидаги қарор Халқ депутатлари Ўзбекистон туман Кенгашини навбатдаги сессияси тасдиғига киритилсин.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Д.Қодиров зиммасига юклатилсин.




Туман ҳокими



Қ.Джураев

Ўзбекистон тумани С.Азизов ММТП худудда туман захирасидаги ер майдонидан боғдорчилик йўналишида танловга қўйилган 64-лойихадаги боғ майдонлари харитасидан

КЎЧИРМА



КОНТУРЛАР ҚАЙДНОМАСИ

№	Контур рақами	Умумий ер майдони га	тузорлар	боғлар					
					ихота	Арик-зовур	йўллар	қурилишлар	бошқа
1	2031	2,10		2					0,1
2	2032	2,10		2					0,1
3	2035	1,20		1				0,10	0,1
4	2038	1,10		1					0,1
5	2008	2,64		2,5	0,1				
6	1732	3,60		3,5	0,1				
7	1729	2,70		2,3	0			0,06	0,3
Жами:		15,44		14,30	0,25			0,16	0,73

Туман Ер ресурслари ва Давлат кадастри бўлими бошлиғи:

С.Курбонов

Ер Тузувчи:

М.Обиджонов